

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЕРЖАНОВА ДИЛЬФУЗА КАДИРБАЕВНА

**ИБРАЙИМ ЮСУПОВ ПОЭМАЛАРИНИНГ
ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Ержанова Дильфуза Кадирбаевна Ибрайим Юсупов поэмаларининг лингвопоэтик таҳлили.....	3
Ержанова Дильфуза Кадирбаевна Лингвопоэтический анализ поэм Ибрагима Юсупова.....	25
Erzhanova Dilfuza Kadirbaevna The linguo-poetic analysis of Ibrayim Yusupov's poems.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЕРЖАНОВА ДИЛЬФУЗА КАДИРБАЕВНА

**ИБРАЙИМ ЮСУПОВ ПОЭМАЛАРИНИНГ
ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil967 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пахратдинов Қуралбай Атаубаевич
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Дўсимов Зариббай
филология фанлари доктори, профессор

Бекбергенов Кдырбай
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» март соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (69 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25).

Диссертация автореферати 2022 йил «23» феврал да тарқатилди.
(2022 йил «23» феврал даги 2 рақамли реестр баённомаси).



К. К. Оразымбетов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Д.Б. Сейткасымов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Қ. Оразымбетова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бадий асар тили лингвопоэтик масалаларига катта эътибор қаратилди. Бадий асарларнинг эстетик қимматини белгилаб бериш, уларнинг лингвопоэтик таҳлилини амалга ошириш жаҳон тилшунослиги олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, тил бирликларининг турли нутқ кўринишлари ва сатҳларидаги лингвопоэтик хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Зеро, адабий тилнинг бадийликка эришишида шоир ва ёзувчиларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Дунё тилшунослигида лингвопоэтик тадқиқотлар замонавий таҳлил методларига таянган ҳолда олиб борилмоқда. Унинг услубият ва адабиётшунослик соҳалари билан умумий жиҳатлари ҳар томонлама ўрганилмоқда. Бадий адабиёт тилини ўрганишда лингвопоэтик тадқиқотлар адабий тилнинг шаклланиши ва ривожланишидаги ўрнини ёритишда катта аҳамият касб этади. Лингвопоэтик тадқиқотнинг асосий мақсади бадий асарнинг эстетик баҳоси ва таъсир кучини белгилашдан иборат. Шунинг учун, лингвопоэтика масалаларини ҳал этишда, асосан, ёзувчининг сўз қўллашдаги бадий маҳоратини ўрганиш асосий факторлардан бири ҳисобланади. Дунё тилшунослигида бадий асарларни лингвопоэтик жиҳатдан ўрганиш фақат тилшунослик учун эмас, балки унга ёндош соҳалар учун ҳам кўп материал бериши ўз исботини топган.

Халқнинг руҳий маданиятининг ривожини ва тилимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган қорақалпоқ шоир ва ёзувчилари асарлари тилини ўрганиш давр талабига айланиб бормоқда. «Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони И.Юсупов қорақалпоқ ва ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган. Унинг асарлари Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, юртга фидойилик ғоялари билан йўғрилган. Шу жиҳатдан атоқли шоир ижоди ёшлар тарбиясида маънавий манба бўлиб хизмат қилади»¹. Ҳақиқатан, адиб ўз асарларида қорақалпоқ халқининг юксак маънавияти, миллий тафаккури, руҳиятини қорақалпоқ тили имкониятлари воситасида маҳорат билан ёритиб берган. И.Юсупов поэмалари шу пайтгача, асосан, адабиётшунослик йўналишида ўрганиб келинганлиги, аммо қорақалпоқ тилшунослигида яхлит ҳолда лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил этилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Тизимли ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда» номли мавзуда 2017 йил 20-21 январ кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифтаги сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2017, 24-январь, - №17.

маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонлари ва 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида», 2021 йил 16 июлдаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Президиумининг «Қорақалпоқ тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида В.В.Виноградов, В.Я.Задорнова, А.А.Липгарт каби олимларнинг лингвопоэтикага доир тадқиқот ишлари катта аҳамиятга эга². Улар ўз тадқиқотларида бадиий адабиёт тилини ўрганишнинг долзарблигини, уни адабий тилнинг шаклланиб боришида ва поэтик образ яратишда жуда муҳим эканлигини таъкидлашган.

Сўнгги йилларда ўзбек олимларининг бадиий асар тилининг лингвопоэтик хусусиятларига доир тадқиқотлари диққатга сазовар³. Қорақалпоқ тилшунослигида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда⁴.

² Виноградов В. В. Итоги обсуждения вопросов стилистики. – М., 1986. – С.117-189; Задорнова В. Я. Словесно-художественное произведение на разных как предмет лингвопоэтического исследования: Дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1992; Липгарт А.А. Лингвопоэтическое исследование художественного текста: теория и практика: Дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1996. – 656с; Шу муаллиф. Основы лингвопоэтики. – М., Диалог-МГУ, 1999. – 165 с.

³ Каримов С. А. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фан. докт... дис. автореф. – Тошкент, 1993; Рахимов А. Ўзбек романи поэтикаси: Филол. фан. докт... дис. автореф. – Тошкент, 1993; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80 йиллар): Филол. фан. докт... дис. автореф. – Тошкент, 1994; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90 йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол. фан. докт... дис. автореф. – Тошкент, 2002; Саримсоқов Б.И Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004; Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент, 2007; Шу муаллиф. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008; Шу муаллиф. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан. докт... дис. автореф. – Тошкент, 2000; Нормуродов Р.У. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. докт... дис. автореф. – Тошкент, 2000; Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърятининг лингвопоэтикаси: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 2007; Тошхужаева Ш.Ф. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси: Филол. фан. фалс. ... д-ри автореф. – Фарғона, 2017; Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси: Филол. фан. доктори дис. автореф. – Тошкент, 2017; Қурбанова М.О. Мустақиллик даври дostonлари лингвопоэтикаси: Филол. фан. фалс. ... д-ри автореф. – Фарғона, 2019; Шодмонова Д.Э. Абдулла Орипов шеърятининг лингвопоэтик хусусиятлари (метафорик ходисалар мисолида). Филол. фан. фалс. ... д-ри автореф. – Қарши, 2019; Умирова С.М. Ўзбек шеърятининг лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърятининг мисолида). Филол. фан. фалс. ... д-ри автореф. – Самарқанд, 2019; Муқимова З.Р. Ўткир Хошимов асарлари тилининг лингвопоэтик ва лингвомаданий хусусиятлари. Филол. фан. фалс. ... д-ри автореф. – Тошкент, 2020.

⁴ Абдиназимов Ш. Лингвопоэтика. – Некис: Miraziz Nukus, 2019. – 164 б.

Қорақалпоқ тилшунослигида бадий асар тилини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда икки йўналиш кузатилади. Тадқиқотларнинг биринчи йўналишида қорақалпоқ тилининг тарихини ўрганиш мақсадида бадий матнлардан фактик материал сифатида фойдаланиш, иккинчи йўналишида маълум даврда яшаган шоир ва ёзувчиларнинг тили ва услубини тадқиқ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди⁵.

И.Юсупов ижоди қорақалпоқ адабиётшунослигида муайян даражада тадқиқ қилинди, бир қанча монографиялар, адабий портретлар, илмий мақолалар ёзилди⁶.

И.Юсуповнинг сўз танлаш ва сўз қўллаш маҳоратининг тадқиқ этилиши қорақалпоқ тилшунослигининг ривожига катта аҳамиятга эга. Чунки, шу жиҳати билан шоирнинг индивидуаллиги, услуби аниқ ифодасини топади. Шу боис, қорақалпоқ тилшунослигида И.Юсупов асарлари тилининг ўзига хослиги, шоирнинг сўзлардан фойдаланиш маҳорати ҳақида баъзи ишлар қилинди⁷. Ушбу тадқиқотлар И.Юсупов асарлари тилини лингвопоэтик аспектда ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади. Сабаби, шу кунга қадар қорақалпоқ тилшунослигида шоир поэмаларининг лингвопоэтикаси монографик планда махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қорақалпоқ давлат университетининг «Ҳозирги филология фанининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

⁵ Сайтов Д. Язык каракалпакских поэтов XVIII-XIX вв. (Жиен жырау, Кунходжи, Бердаха и Ажинияза): Автореф. дис... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1971. – 28 с; Адбиназимов Ш. Язык произведений Бердаха: Автореф. дис... д-ра филол. наук. – Нукус, 2001. – 47 с.; Алланазаров Е. Қорақалпоқ тилида метафораларнинг стилистик қўлланилиши (Т. Жумамуратовнинг поэтик асарлари мисолида): Филол. фан. номз... дис. автореф. – Нукус, 2002. – 22 б.; Қарлибаева Г. Ажиниёз асарлари тилининг фонетик-морфологик тавсифи: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Нукус, 2002. – 24 б.; Шу муаллиф. Ажиниёз асарлари тилининг семантик-стилистик хусусиятлари: Филол. фан... д-ри (DSc) дис. автореф. – Нукус, 2017. – 77 б.; Убайдуллаев Б. XIX аср қорақалпоқ мумтоз шоирлари асарлари тилида олмошларнинг лексик-грамматик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Нукус, 2006. – 21 б.; Диланов Б. С.Мажитовнинг ижоди ва қорақалпоқ адабий тили: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Нукус, 2012. – 23 б.

⁶ Есемуратов Г. Ибрайым Юсуповтың поэзиясы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1976; Уляшов П. Ветер земных дорог (Литературный портрет И. Юсупова). – Нукус: Каракалпақстан, 1989; Максетова Ж. Поэтическое мастерство Ибрагима Юсупова: Автореф. дис... канд. фил. наук. – Ташкент, 1991. – 22 б.; Мамбетова М. Стихосложение в поэзии И. Юсупова. Автореф. дис... канд. фил. наук. – Нукус, 1999. – 16 б.; Хамидова А. Творчество И. Юсупова и европейская литература. Автореф. дис... канд. фил. наук. – Нукус, 1999. – 22 б.; Пахратдинов Д. Традиции классиков Востока в лирике И. Юсупова. Автореф. дис... канд. фил. наук. – Нукус, 2001. – 20 б.; Есенов Ж. Поэзия жулдызы. – Нөкис: Билим, 2003; Уснатдинов Ш. Ибрайым Юсупов. – Нөкис: Билим, 2019; Алламбергенов К. Мэнги булақ. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2019; Мамбетов Қ. И. Юсупов поэмаларининг жанрий хусусиятлари. Филол. фан. фалс. ... д-ри автореф. – Нукус, 2019. – 50 б.

⁷ Мәмбетназарова Г. И. Юсуповтың қосықларында деренди атауышлардың стильлик қолланылыуы. – Нөкис: Билим, 1994; Юсупова Б. Ибрайым Юсупов шығармалары тилинде келбетликлердин стильлик хызметлери. – Ташкент: Tafakkur qanoti, 2014; Айымбетов Ҳ. Ибрайым Юсупов шығармаларында «жулдыз» сөзиниң қолланылыуы. // Қарақалпақ тил билиминиң әхмийетли мәселелери. – Нөкис: Билим, 1995; Садыкова Р. И.Юсупов поэзиясында фразеологизмлердин қолланылыуы. // Әмиўдәрья, 2005, - №1; Сейдуллаева Д. И.Юсуповтың «Дузлы самаллар» топламында қолланылған эпитет хәм теңеўлер. // Түркий филологиясының актуаль мәселелери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2008; Seytnazarova I. I.Yusupov shi'g'armalari'nda ja'miyetlik-siyasiy leksikani'n' qollani'li'wi'. // Ilim ha'm bilimlendiriwge arnalg'an wo'mir. II. (Akademik Abatbay Da'wletovti'n' 70 ji'lli'q yubileyine arnalg'an ilimiy-teoriyali'q konferenciya materiallari'). – Нөкис: Билим, 2012. – 46-50 betler; Алламбергенова Г. И.Юсупов асарларида фразеологизмларнинг услубий қўлланилиши: Филол. фан. фалс. ... д-ри автореф. – Нукус, 2019. – 49 б.

Тадқиқотнинг мақсади Ибрайим Юсупов поэмаларини лингвопоэтик жиҳатдан аниқлаш орқали шоирнинг индивидуал ижодий услубига хос хусусиятларни белгилаш ва поэтик асарларидаги тил элементларининг услубий имкониятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- И.Юсупов поэмаларида лингвопоэтик мақсадда қўлланилган синонимлар, антонимлар, омонимлар ва эскирган сўзларнинг хусусиятларини аниқлаш;

- шоир поэмаларида қўлланилган фразеологизмлар ва нақл-мақолларнинг бадиий матннинг таъсирчанлиги, бадиийлиги ва образлигини таъминлашдаги аҳамиятини кўрсатиш;

- И.Юсуповнинг бадиий тасвир воситаларидан (метафора, метонимия, синекдоха, ўхшатиш, эпитетлар ва ҳоказо) фойдаланиш маҳоратини очиб бериш;

- И.Юсуповнинг бадиий ижод жараёнида тилдан фойдаланишдаги индивидуаллигини аниқлаш ҳамда қорақалпоқ тилининг лексик-стилистик таракқиётига қўшган ҳиссасини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида И.Юсуповнинг юксак бадиият ва образлиликка эга бўлган «Ўртоқ муаллим» (1949), «Акация гуллаган ерда» (1952), «Гидамчи аёл ҳақида ҳақиқат» (1955), «Актрисанинг иқболи» (1956), «Эски фонтан эртаги» (1957), «Дала армонлари» (1964), «Тумарис» (1969), «Қорақалпоқ ҳақида сўз» (1976), «Мангу булок» (1981), «Адаштирувчи ўй» (1984), «Булбул уяси» (1987) поэмалари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети И.Юсупов поэмаларида муайян лингвопоэтик мақсад билан қўлланилган лексик бирликлар ва қорақалпоқ тили лисоний имкониятларининг воқеланиш хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишининг мавзусини очиб беришда қиёслаш, статистик, контекстуал, семантик-стилистик, лингвопоэтик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- И.Юсупов поэмаларида муайян лингвопоэтик вазифада қўлланган синонимлар, антонимлар, омонимларнинг шоир поэмалари бадиий-эстетик қимматини таъминловчи лисоний бирликлар сифатида воқелангани ва эскирган сўзларнинг ўша давр колоритини бериш учун қўлланганлиги, давр хусусиятларини очиб бериши далилланган;

- адибнинг лингвопоэтик хусусияти сифатида фразеологизмлар ва нақл-мақоллардан фойдаланиш маҳорати очиб берилган, шунингдек, фразеологизмлар ва нақл-мақолларнинг лингвопоэтик жиҳати асосида нутқни ихчамлаштириш, тушунчани образли аташ, психологик ҳолатни ифодалаш, эмоционал-экспрессив функцияларни бажариши далилланган;

- И.Юсуповнинг ўзига хос поэтик кашфиётлари асосида қўлланилган метафора, метонимия, синекдоха, ўхшатиш, эпитет каби турларининг эстетик қимматини белгилашдаги услубий-функционал, лингвосемиотик аҳамияти далилланган;

- қорақалпоқ тилшунослигида илк бор И.Юсупов поэмаларининг лингвопоэтик йўналиши асосида ижодкорнинг ўзига хос индивидуал услубий-поэтик маҳорати аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

И.Юсупов поэмаларида қўлланилган синонимлар, антонимлар, омонимлар, эскирган сўзлар, фразеологизм ва нақл-мақоллар, метафора, метонимия ва синекдоха, ўхшатиш, эпитетлар бўйича тўпланган материаллар, уларни ўрганиш натижасида келинган хулосалар ҳозирги қорақалпоқ тилшунослиги, айниқса, лингвопоэтикаси учун муҳим илмий маълумот бериши, лингвопоэтикага оид тадқиқот олиб боришда манба бўлиб хизмат қилиши асосланган;

тўпланган материаллар изоҳли луғатлар учун материал ва манба сифатида хизмат қилиши далилланган;

тадқиқот материаллари қорақалпоқ тилининг лингвопоэтикаси, услубияти бўйича янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштиришдаги аҳамияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масаланинг аниқ қўйилиши, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, таҳлилга тортилган лисоний материалларнинг асослилиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ушбу иш лингвопоэтиканинг назарий масалалари, айниқса, И.Юсуповнинг поэтик маҳорати, поэмаларининг лингвопоэтик хусусиятларига доир масалаларни тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдириш ва кенгайтириш орқали белгиланади. Диссертация хулосалари келгусида бошқа шоирлар асарларини ўрганишда эътиборга олиниши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги материал ва хулосалардан олий таълим муассасаларининг талабалари учун қорақалпоқ тилининг услубияти бўйича ўқув дарсликларини яратишда, нутқ маданияти, бадий матннинг лингвистик таҳлили, лингвопоэтика каби фанларни ўқитишда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, тадқиқот натижалари бадий асар тили бўйича лингвопоэтик тадқиқот олиб борадиган тадқиқотчилар учун ҳам амалий жиҳатдан катта ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. И.Юсупов поэмалари тилини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

И.Юсупов поэмаларидаги лексик бирликларнинг лингвопоэтик жиҳатдан қўлланишига доир илмий-назарий хулосалари «Qaraqalpaq tili» ва «Ádebiyat» фанларининг мазмунини тўлдиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 13 мартдаги 01-01/10-0921-сон маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим муассасаларида она тили ва адабиёти фанларини ўқитиш жараёнида дарсликлар мазмунини бойитиш имкониятини берган;

Қорақалпоғистон Республикаси Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейида И.Юсупов ҳаёти ва ижоди, адабий мероси бўйича кўргазмалар ташкил этишда, адабий-бадиий экскурсия дарсларини ўтказишда ва илмий-назарий конференцияларда маъруза шаклида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 9 мартдаги 2-04/447-сон маълумотномаси). Натижада, И.Юсупов поэмаларидаги бадиий образларнинг комил инсон тарбиясидаги роли ва аҳамияти кенг жамоатчиликка етказилиб, ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, миллий онг ва тафаккурни ривожлантиришда катта ёрдам бермоқда;

И.Юсупов поэмаларида қўлланилган фразеологизмлар ва нақл-мақоллар билан боғлиқ хулосалардан Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятида, айниқса, шоирлар маҳоратини оширишда, ёш ижодкорларни камолга келтиришда, тўгарак ва семинарлар ўтказишда самарали фойдаланилган (Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 1 апрелдаги 33-сон маълумотномаси). Натижада, шоирнинг қаҳрамон образини яратишдаги адабий-бадиий маҳоратининг очилишига асос бўлган;

шоирнинг ўзига хос поэтик ижоди асосида қўлланилган метафора, метонимия, синекдоха, ўхшатиш, эпитетларнинг асарнинг эстетик аҳамиятини белгилашдаги ўрни билан боғлиқ хулосалардан Қорақалпоғистон телеканалининг «Эркин фикр» кўрсатуви ва Қорақалпоғистон радиоканалининг «Хайрли тонг», «Тилга эътибор – элга эътибор», «Фан маржонлари», «Шоир сўзи – абадий» эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2021 йил 1 апрелдаги 01-02/1079-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конференцияда, шундан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференциясида маърузалар шаклида тавсия этилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, шундан республика журналларида 9 та, хорижий журналларда 3 та мақола эълон қилинди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган,

республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «И.Юсупов поэмаларидаги лексик воситаларнинг лингвопоэтик таҳлили» деб номланган биринчи бобида И.Юсупов поэмаларидаги синонимларнинг, антонимларнинг ва омонимларнинг лингвопоэтик таҳлили ҳақида фикр юритилган. Мазкур бобнинг биринчи қисми «Синонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари» деб номланиб, унда И.Юсупов поэмаларидаги синонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Қорақалпоқ тилшунослигида синоним сўзлар маълум даражада тадқиқ қилинган⁸, лекин синоним сўзларнинг бадиий матндаги услубий қўлланилиши юзасидан махсус тадқиқот ишлари кўп эмас.

Ёзувчилар тилдаги синоним сўзлар орасидан ўйлаган фикрига мос келадиган аниқ сўзларни топиб, ўз асарларида қўллашга ҳаракат қилишади, шу орқали асар қаҳрамонларининг маънавий қиёфасини ва тасвир объектининг энг кичик жиҳатларигача реал кўрсатиб беришга интилади.

И.Юсуповнинг синоним сўзлардан фойдаланиш маҳорати шундаки, у кўп синонимлардан энг мақбулини танлаши ва асарда синонимик бирликларни бадиий тасвир мақсадида қўллаши. Масалан: И.Юсупов бир тушунчани ифодаладиган *адам*, *инсан*, *киси* сўзларини ҳар томонлама тавсифлаб, кучайтириб бериш мақсадида бир мисранинг ўзида фойдаланиб, асар бадиийлигини таъминлаш ва таъсирчанликни оширишга эришган.

Адам – жақсы инсан, эжайып киси («Мангу булок»).

Қатор қўлланилган бундай синоним сўзлар бир маънони, бир тушунчани кенгроқ ифодалаб, бир-бирини тўлдириб келади⁹.

Шоир *журт*, *халық*, *адамлар* сўзларини тўғри танлаб фойдаланиши натижасида поэма мазмунини янада ўткир тасвирлай олган.

Журттың тәўеллесин тыңламады ол,

Халықты қақ айырып сүйреди бирден,

Адамлар топланды есик алдында («Актрисанинг иқболи»).

И.Юсуповнинг «Дала армонлари» поэмасидаги энг асосий аллегорик қаҳрамон – Дала. Поэманинг номи ҳам шу билан боғлиқ. Шоир бу асарида унга синоним сифатида *дала*, *қула дала*, *шөл*, *қурғақшылық*, *сахра* ва бошқа сўзлардан фойдаланган. Мазкур сўзлар умумхалқ тилида бир-биридан

⁸ Бекбергенов А. Қарақалпақ тилиндеги лексикалық синонимлердин пайда болыў жоллары. // Вестник Карақалпақского филиала АН Узбекистана, 1963, - №2, 84-91-бетлер; Шу муаллиф. Синонимлер ҳам антонимлер. // Қарақалпақ тили бойынша изертлеўлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1971, 115-126-бетлер; Бердимуратов Е. Хәзирги заман қарақалпақ тилинің лексикологиясы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1968, 44-52-бетлер; Қалендеров М. Қарақалпақ тилиндеги синонимлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979; Шу муаллиф. Қарақалпақ тилиндеги синонимлердин грамматикалық, структуралық ҳам лексика-семантикалық өзгешеликтери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989; Шу муаллиф. Қарақалпақ тили синонимлериниң қысқаша сөзлиги. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1990.

⁹ Бекбергенов А. Қарақалпақ тилинің стилистикасы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1990, – Б. 25.

фарклансада, поэмада шоир томонидан синонимлар сифатида келтирилган. Масалан:

*Дала мегзер бай ҳам зықна адамга.
Жаңғырық болмайды қула даланда.
Қайсар қурғақшылық – шөл армиясы.
Шықты мәрт ойшыллар асаў сахраның.*

И.Юсупов «Гилямчи аёл ҳақида ҳақиқат» поэмасида *гилем* ва *галы* сўзларини синоним сифатида қўллаган. Поэманинг мазмунидан келиб чиқиб, ўша даврдаги туркман аёл-қизлари образини яратишда шоир туркман тилидаги *галы* сўзидан синоним сифатида фойдаланган ва у орқали фикр ўткирлигини таъминлаган.

*Гилем даңқы ертек болып тарады,
Журт мақтады, сөйтип сырлы галыны.*

Биринчи бобнинг иккинчи қисми «**Антонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари**» деб номланиб, И.Юсупов поэмаларида ишлатилган антонимларнинг қўлланиш хусусиятларига бағишланган.

Антонимлар муайян қарама-қарши фикр ва маъноларни ифодалаш, воқеа-ҳодисаларни бадиий эмоционал тасвирлаш учун контраст нутқ ва образли талаффуз ҳосил қилишда кучли услубий восита сифатида хизмат қилади. Бинобарин, антонимларнинг муайян тилда юзага келиш асосларини аниқлаш ва уларнинг бошқа лексик-семантик гуруҳлардаги сўзлар билан муносабатини тадқиқ қилиш жуда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Қорақалпоқ тилшунослигида антонимия ҳодисасини турли аспектларда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган¹⁰.

И.Юсупов поэмаларида контекстуал антонимлар алоҳида лингвопоэтик аҳамиятга эга. Шоирнинг «Дала армонлари» поэмасида табиат, чўл, сахро билан инсон ўртасидаги зиддият романтик планда тасвирланган. Шу боис, унда антонимларнинг қўлланиши – табиий жараён. Масалан: бу поэмада ҳаёт ва ўлим ҳақида фикр юритилган:

Соңғы үш күн – өмир, өлим елеси.

Бунда қарама-қарши тушунчаларнинг энг юқори чегараси, даражалари кўрсатилган. Бу ҳодиса поэманинг асосий мазмуни ва ғояси билан зич боғлиқ. Поэмадаги бошқа антонимлар ҳам сахродаги ҳар хил қарама-қарши белгиларни, ҳаракатларни тавсифлаш мақсадида қўлланилган. Масалан:

Күшлиси эззисин ийтерип таслап.

Бу мисрада антитеза ҳосил қилиш учун келтирилган *күшли-эззи* антонимлари орқали сахродаги қарама-қарши томонларнинг кураши образли тасвирланган.

Устюртнинг табиати, иқлими қатъий. Унда қишда қаттиқ совуқ бўлса, ёзда одам чидай олмайдиган иссиқ бўлади. Сахро табиатининг бундай

¹⁰ Бердимуратов Е. Ҳазирги заман қарақалпақ тилининг лексикологияси. Нөкис, 1968, 44-48-бетлер; Шу муаллиф. Ҳазирги қарақалпақ тили. Лексикология. – Нөкис: Билим, 1994, 52-59-бетлер; Бекбергенов А. Синонимлар ҳам антонимлар // Қарақалпақ тили бойынша изертлеулер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1971, 126-132-бетлер; Хожанов Ш. Қарақалпақ тилиндеги антонимия кубылысы. – Нөкис: Билим, 2017.

қарама-қаршилиги И.Юсуповнинг «Дала армонлари» поэмасининг кўпгина мисраларида акс этган. Масалан:

*Жазда аңызакқа, қыста боранга.
Әптан суў бермесе, жанынды ишер.
Муздай деми менен моторды үрлеп.
Салқын леби менен желпип шалқыйды.
Ыссы көз жаслары артезиан болып.*

Шоирнинг сўз қўллаш маҳоратининг яна бир жиҳати шундаки, у антонимларни бир матн ичида қўлламасдан, асарни ўқиш давомида улар ўртасидаги конфликтни антонимлар орқали тасвирлайди. Улар умумий мазмунни тавсифлаш учун поэманинг турли ўринларида ишлатилаверган. Бу нарса буюк шоирнинг тилдаги антонимлардан образлиқ учун эркин ва маҳорат билан фойдаланганлигидан далолат беради.

И.Юсупов асарларида *рас-өтирик, жаңа-ески, ашшы-душшы, ақ-қара, күн-түн, дос-душпан* ва бошқа шу каби антонимлар жуда кўп учрайди. Шоир антоним сўзларни қўллаш билан контраст образларни яратган ва поэмаларда тасвирланган воқеаларни яна бўрттириб тасвирлашга эришган. Шоир поэмаларида *шадлық-зәхәр, мәс-қайғы-ғам, қайғы-шадлық, қуўаныш-қайғы, отырыў-турыў, қалың-аз* каби контекстуал антонимлар маҳорат билан қўлланилган. Бундай контраст, антитезага асосланган образлар ёрдамида қаҳрамоннинг маънавий қиёфаси очиқ берилган. Масалан:

Шадлық озып, кетти турмыс зәхәри («Ўртоқ муаллим»).
Гейде *мәс боламан, гейде қайғы-ғам («Актрисанинг иқболи»).*
Хәм қайғы, хәм шадлық бийлегенлигин,
Қуўаныш хәм қайғы сыйыспас бирге («Актрисанинг иқболи»).

И.Юсуповнинг «Ўртоқ муаллим» номли илк поэмасида эски ва янги тузум ўртасидаги мафкуравий кураш акс этган бўлиб, бунда халқнинг қора кунлардан бугунгидек ёруғ кунларга етиб келиши аччиқ тасвирланган. Шунинг учун, шоир бу поэмадаги конфликтни тасвирлайдиган қисмини «Хиёнат», «Тоғдаги олишув» деб номлаган. Ижтимоий воқеаларни улуғловчи қисмини эса «Учрашув» деб атаган. «Ўртоқ муаллим» поэмасининг бутун композицион қурилиши халқни саводли қилишга қаратилган. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, шоир бу поэмада бош қаҳрамонлар образини яратишда уларнинг ҳар бирини алоҳида сўзлар – образлар билан характерлайди. Жумладан, шоир Ораз муаллим образини аниқ тасвирлашда *әдиўли, қәдирдан устаз* деган сўзларни қўллаган. Масалан:

*О, әдиўли мугаллимим, устазым.
Сәлем, жолдас мугаллимим, қәдирдан.*

Поэмадаги Амет образини тасвирлашда, унинг хулқ-атворини очиқ беришда *ийт, ҳайўан, жаўыз* сўзлари қўлланилган. Масалан:

*Ийт Әметтиң даўлап жүрген даўының.
Адам етин жейтин ҳайўан болдың ба?
Тас әкелди, жаўыз Әмет тырп етпей.*

Бу поэмадаги антонимик зиддият Ораз ва Амет образлари атрофида содир бўлиб, асар мазмунидаги воқеаларни очиб беришда, шунингдек, эмоционал туйгуларни юзага чиқаришда антонимлар асосий рол ўйнайди.

Биринчи бобнинг учинчи қисми «**Омонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари**» деб номланади. Омонимлар поэзияга алоҳида бадиийлик бағишлайди. Улар инсонни чуқур фикрлашга ундайди. Бир шаклдаги сўзлар маъносини кашф этишга мажбур қилади. Шу боис, омонимлар ҳам И.Юсупов поэмаларида маълум ўрин эгаллайди.

И.Юсупов поэмаларида омонимлар синоним ва антонимларга нисбатан жуда кам учрайди. И.Юсупов бошқа шоир ва ёзувчилар сингари ўз асарларида омоним сўзлардан турли поэтик усуллар ҳосил қилиш мақсадида кенг фойдаланган. Масалан: куйидаги мисолларда *көк* сўзи ҳар хил маъноларда қўлланилиб, лингвопоэтик жиҳатдан поэманинг мазмунини ёритиб беришда ишлатилган.

- 1) *Көкте* жүзип барар шала толған ай («Актрисанинг иқболи»).
- 2) *Көк* терип қайтыўға бир барғанымда («Актрисанинг иқболи»).
- 3) Бэлки писик шығар, бэлки шығар *көк* («Актрисанинг иқболи»).
- 4) *Көк* көйлегиндеги нағыслы жаға («Актрисанинг иқболи»).

Юқоридаги биринчи мисолда *көк* сўзи «осмон» маъносида, иккинчи мисолда «ўт, майса» маъносида, учинчи мисолда «пишмаган», «хом» маъносида, тўртинчи мисолда «ранг» маъносида қўлланилган.

Биринчи бобнинг тўртинчи қисми «**Эскирган сўзларнинг лингвопоэтик хусусиятлари**» деб номланади. Эскирган сўзлар – жамият тараққиётининг маълум бир даврида муҳим бўлган, аммо ҳозирги давр лисоний ҳамжамятида қўлланилиши чегараланган сўзлардир. И.Юсупов ўзининг поэмаларида эскирган сўзлардан тарихий воқеа-ҳодисаларни реал, конкрет тавсирлаш воситаси сифатида фойдаланган. Шунингдек, шоир тасвирлаётган ҳар бир даврнинг колоритини бериш учун, асарнинг тарихийлик руҳини акс эттиришда тарихий сўзлардан ўринли ва унумли фойдаланган.

- Петр патша* бунда түнеген («Қорақалпоқ ҳақида сўз»).
- Қырымның кәхәрли ханы* болсам да («Эски фонтан эртаги»).
- Болыс, бийлер* басы салбырап («Қорақалпоқ ҳақида сўз»).
- Эсер, меншевиклер* асқынып («Қорақалпоқ ҳақида сўз»).
- Ревкомнан* пакетлер алып,
- Кеште* қайтқан еди Шымбайға («Қорақалпоқ ҳақида сўз»).
- Батрачкомның* кеңселеринде («Қорақалпоқ ҳақида сўз»).
- Семиз аулатком* суўытып түсин («Булбул уяси»).
- Бий, аталық* бийлигин сүрген («Қорақалпоқ ҳақида сўз»).

Юқоридаги мисолларда кўрсатилган тарихий сўзлар 1920-1940 йилларда ҳукумат тизимида қўлланилган мансаб-лавозим номлари ҳисобланади.

Ҳар бир даврда жамият тузумининг ҳолати билан боғлиқ ўша тузумдаги халқнинг яшаш шароитлари, ҳаёт тарзини кўрсатувчи сўзлар, атамалар бўлади. Ушбу атамалар ўша жамият тузумининг эскириши билан истеъмолдан чиқиб, уларнинг ўрнига бошқа сўзлар, атамалар қўлланилади.

И.Юсупов поэмаларида ўша даврни аниқ тасвирлаш учун қаҳрамон тилида шундай сўзларнинг қўлланилганини кўришимиз мумкин.

Баярынан сорап алды да («Қорақалпоқ ҳақида сўз»).

Мен үлкен келиниң, яғный *бәйбише*...

Патша ма я қул ма – бәрибир халас («Мангу булоқ»).

Ол *жамай* жаўы ғой. Куўдық арадан («Актрисанинг иқболи»).

Диссертациянинг иккинчи боби «**И.Юсупов поэмаларида фразеологизмлар ва нақл-мақолларнинг лингвопоэтик имкониятлари**» деб номланади ва икки қисмдан иборат. Биринчи қисм «**Фразеологизмларнинг лингвопоэтик хусусиятлари**» деб номланиб, унда И.Юсупов поэмаларидаги фразеологизмлар лингвопоэтик таҳлил қилинган.

И.Юсупов ўз поэмаларида фразеологизмлардан жуда кенг фойдаланган¹¹. Масалан: у «Актрисанинг иқболи» поэмасида воқеани тасвирлашда, асар қаҳрамонининг ҳаёти ва ички кечинмаларини акс эттиришда халқ тилида қўлланиладиган фразеологизмлардан жуда ўринли фойдаланган. Масалан: *диңкесин қуртыў* «чарчатмоқ», *алақанында сақлаў* «ардоқламоқ, қадрламоқ», *тирлей сойыў* «қийнамоқ, азоб бермоқ», *баўыр басыў* «яхши кўрмоқ, суймоқ» каби фразеологизмлар мазкур поэмада ўз ўрнида ишлатилган.

Шоир ўз асарларидаги персонаж хулқ-атворини, хислатини тўлиқ очиб беришда фразеологизмлардан ўринли фойдаланган. Масалан:

Саямды салмадым ол ийтке бирақ («Актрисанинг иқболи»).

Мен ол муғаллимниң қанын *ишемен* («Актрисанинг иқболи»).

Бунда салбий қаҳрамон Бегдияр образини, унинг хулқ-атворини очиб беришда *саямды салмадым, қанын ишемен* каби салбий маъноли фразеологизмлар ишлатилиб, ўқувчида эмоционал-экспрессивликни ҳосил қилади.

Қорақалпоқ адабий тилида «хафа қилмаслик», «раъйига қарамоқ», «ранжитмоқ» маъносидаги *қас-қабазына қараў* фразеологизмидаги *қараў* феълени шоир *багыў* феъли билан алмаштириш орқали фразеологизм маъносини янада ўткирлаштирган:

Қас-қабазын багады оның («Қорақалпоқ ҳақида сўз»).

Қуйидаги мисолда ҳам *көзин май басыў* фразеологизми таркибидаги *басыў* феълени *қаплаў* феълига алмаштириш орқали фразеологизм маъносини янада конкретлаштириб ифодалаган.

Қорқпас май қаплаған көзлерден («Қорақалпоқ ҳақида сўз»).

Саў басын саўдага салыў «овора бўлмоқ, булғанмоқ» фразеологизмидаги *бас* ва *гелле* сўзларининг алмашиниб қўлланилиши

¹¹ Садыкова Р. И.Юсупов поэзиясында фразеологизмларнинг қолланылығуы // «Эмиўдәрья», 2005, - №1; Алламбергенова Г. И.Юсупов асарларида фразеологизмларнинг услубий қўлланылиши: Филол. фан. фалс. ... д-ри автореф. – Нукус, 2019; Пирниязова Э. И. Юсуповтың «Сейдан ғаррының геўиши» гүрриңинде фразеологизмлардың қолланылығу өзгешеликлери // «Вестник Каракалпакского государственного университета», 2019, - №3; Юсупова Б. И. Юсупов поэмаларында фразеологизмлардың қолланылығуы. // Юсупова Б. Қарақалпақ тилиниң фразеологиясы ҳам оны изертлеўдиң гейпара мәселелери. Илимий мақалалар топламы. – Ташкент: Tafakkur avlodi, 2020, 96-105-бетлер.

натижасида асар қаҳрамонининг характериға мос салбий экспрессиянинг кучайишиға туртки бұлган.

Саўда салып саў геллеге («Тумарис»).

Баъзи ҳолларда И.Юсупов фразеологизмларни маълум сабабларға кўра қисқартириб ҳам ишлатган. Масалан:

Татлы турмыс қайнар эне, *түн демей* («Ўртоқ муаллим»).

Ал әкеси отыр *былиш етпей* бунда («Актрисанинг иқболи»).

Шоир *күн демей, түн демей* дейиш ўрниға *түн демей, бети былиш етпей* деган фразеологизм ўрнида *былиш етпей* фразеологизмини кўллаган.

И.Юсупов шеър мисраларида қофия учун фразеологизмлар таркибидаги сўзлар ўрнини ўзгартирган. Бундай усул шоир поэмалари тилида анча кенг тарқалган.

И.Юсупов ўз поэмаларида, ундаги ҳар бир қаҳрамоннинг фақат хатти-ҳаракатлари, қилиқлари орқалигина эмас, балки унинг ўзига хос гапириш манераси орқали ҳам тасвирлашға ҳаракат қилган. Шоирнинг «Актрисанинг иқболи» поэмасида фразеологизмлар ундаги қаҳрамонлар характерини очиб беришда асосий вазифани бажарган. Масалан: поэмадаги Абдираман образи сабрли, ақли, инсонпарвар одам сифатида гавдаланади. Бу образни яратишда шоир унга мос фразеологизмларни Абдираманнинг тили орқали ифодалайди:

Дос адам өлшемей *сырттан тон пишпес,*

Сүринсең *сөз ертип,* изиңе түспес,

Қолдан келсе *дәрман бериң дәртинe.*

Жумагүл, сен өйтип *болма есаўас,*

Неге *тақыр жерден шаң шығарасаң.*

Бу поэмада Бегдияр образини тасвирлашда, унинг мақтанчоқлиги, ёқимсиз жиҳатларини ўқувчига ёрқин ифодалашда қаҳрамон тилидаги фразеологизмлардан фойдаланилган:

Бәри де бар менде. Болсаң хаялым,

Аппақ май шайнайсаң өмириңше, жаным,

Басыңа бахыт қусы қонады сениң,

Шылғаўың мақбалдан болады сениң,

Сүй, жаным... («Актрисанинг иқболи»).

Асар қаҳрамонининг маънавий қиёфасини очиб беришда ҳам И.Юсупов фразеологизмлардан фойдаланган. Буни қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин.

Шаның *көзи қанталасып,*

Қатты ашыўға минген сонда («Тумарис»).

Кек тутып жүр көшлер бирақ... («Тумарис»).

Сорлы қыздың *жаны қайдан жай табар,*

Қаражан деп *көзлеринен қан ағар* («Ўртоқ муаллим»).

Ашыў қысса *көзлеринде от жанып,*

Қәхәрленсе *қамшысынан қан тамып* («Ўртоқ муаллим»).

Киндик қаны тамған ўатан дегенди («Булбул уяси»).

Деди де хан *коз алартқан* хаялға,

Қабагынан қар жауардай түксийди...

(«Гидамчи аёл хақида хақиқат»).

Фразеологизмларнинг бадий асарда бажарадиган вазифаси – образ яратиш, асар қахрамонига тавсифнома бериш. Масалан:

Журт елжиреп турды *бауырын үзип* («Булбул уяси»).

Ушбу мисрада шоир иккинчи жаҳон уруши йилларида овул аҳолисининг фронтга ёрдам сифатида келинининг узуги, сиргаси, билагузугини ечиб бераётиб, уларнинг тушкун ҳолатини тасвирлаш мақсадида *бауырын үзип* фразеологизми ишлатилган.

Шоир поэмаларида ҳозирги қорақалпоқ адабий тилида кам қўлланишда бўлган фразеологизмларни ҳам учратиш мумкин. Масалан:

Шық бермес шығайбай – дүньяxor ғарры,

«Қараң, қуў тақырман! Мениңдей жарлы («Дала армонлари»).

Арғы жүзден қолтыгына жел берип («Эски фонтан эртаги»).

Көз астынан тоқыр гүман нағышын («Эски фонтан эртаги»).

Сабақ тарта алмадым сыр келебинен («Тумарис»).

Илме султан гәп қашырып әўеле («Булбул уяси»).

Услап корсең, ушығаның жумсағы

(«Гидамчи аёл хақида хақиқат»).

И.Юсупов поэмаларида баъзи фразеологизмлар ўзининг содда сўз шаклидаги эквиваленти билан бирга қўлланилган. Масалан:

Он гүлинен бир гүли ашылмаған жас,

Болды, хей саллақы, өш, аўзыңды жап!

Аўзынан сарысы кетпеген еле,

Сен бир палапансаң, Бираз жыл және,

Қозғалма уяңнан («Актрисанинг иқболи»).

Шоирнинг ҳар бир поэмасидаги фразеологизмлар тасвирланмоқчи бўлган воқеа билан, айтилмоқчи бўлган бадий ўй-хаёлига монанд ишлатилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи қисми «**Нақл-мақолларнинг лингвопозитик хусусиятлари**» деб номланган. Халқ нақл ва мақоллари ҳам тилдаги энг таъсирчан бадий воситалардан бири ҳисобланади. Улар асарнинг бадийлигини, образлилигини ошириб, фикрни теран ифодалашда ёрдам беради.

Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди ихчам, теран мазмунли ва ажойиб нақл-мақолларга жуда бой¹². Халқ нақл-мақоллари ўша халқнинг бутун тарихини, ҳаёт йўлини акс эттиради. Шунинг учун ҳам, ёзувчилар ўз ижодида нақл-мақоллардан кўп фойдаланадилар.

И.Юсупов поэмаларида учрайдиган нақл-мақолларни қўлланиш хусусиятига кўра қуйидагиларга ажратиб ўрганиш мумкин: 1. Ўзгаришсиз қўлланилган нақл-мақоллар. 2. Ўзгартириб қўлланилган нақл-мақоллар.

¹² Қарақалпақ фольклоры. IV том. Қарақалпақ халқ нақыл-мақаллары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1978; Нийетуллаев Т. Қарақалпақ халқ нақыл-мақаллары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1982.

И.Юсупов баъзи ўринларда нақл-мақолларни халқ тилидаги шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан, фикрни ихчам, қисқа, таъсирчан тарзда ифодалаш учун, нутқнинг образлигини таъминлаш мақсадида ишлатади. Бундай ҳолатда *дейди, деп, дер, деген, деседи* каби сўз шаклларида фойдаланган. Масалан:

*«Ким басын усласа еки кемениң,
Суўга кетер»* деген. Сен ғарры сағал («Актрисанинг иқболи»).
«Я хан, яки ешек өлер» дегендей («Мангу булок»).
*«Алтын көрсе, периште де,
Жолдан шығар»* деген сөз бар («Адаштирувчи ўй»).
*«Атаңа не қылсаң, алдыңа сол келер»,
Деген нақыл ядқа түсип тур бүгин* («Мангу булок»).
«Ҳаялдың шашы узын, ақылы келте» деп
(«Актрисанинг иқболи»).

«Тумарис» поэмасидаги *урыс болса, турыс болмас* деган нақлни шоир салбий қахрамон тилидан келтиради ва мақол Кир подшоҳнинг характерини очиб беришда, яъни унинг дунё қараши, хулқ-атвори, шунингдек, уруш манзарасини аниқ тасвирлаб беришда шоир мазкур нақлдан ўринли фойдаланган.

И.Юсупов поэмаларида нақл-мақоллар таркибини ўзгартиришнинг бир қанча кўринишларини учратиш мумкин. Баъзи пайтларда таркибида ўзгариш бўлиб, қўшимчалар ёрдамида қайта тузилган ҳолатлар мавжуд. Масалан:

*Биреў басқага гөр қазса,
Өзи түсип қалар* болар («Тумарис»).
Бөтенге ор қазган өзи жығылар («Эски фонтан эртаги»).

Баъзан шоир нақл-мақоллар таркибидаги муайян қисмни тушириб қолдириш орқали ҳам бадий образлиликни таъминлашга эришган. Масалан:

*Ел басына күн туўганда,
Ер намысқа шабар* болар («Булбул уяси»).

Ушбу мисраларда *ер басына күн туўса, етиги менен суў кешер, ат басына күн туўса, аўызлыгы менен суў ишер* деган нақлнинг иккинчи қисми тушириб қолдирилса да, бадий асарни ўқувчида ҳеч қандай тушунарсиз вазият ҳосил қилмасдан, бадий образ ярата олган.

Ийт она деген ... (жылайды) («Мангу булок»).

Бу келтирилган мисолда *ийт она, қатын жапа* деган нақлнинг иккинчи қисми туширилиб, эстетик завқ ифодалайди. Бундай жараёни куйидаги мисолда ҳам кузатиш мумкин.

Аўа, газ ашыўын тырнадан алар... («Актрисанинг иқболи»).

Бу мисолнинг иккинчи қисми туширилиб қўлланилган. Халқ тилида *Ғаз ашыўын тырнадан алар, Бийт ашыўын бүргеден алар* тарзида ишлатилади.

И.Юсупов поэмаларида қўлланилган халқ нақл-мақолларининг барчаси бадий асарнинг асосий элементларига айланган. Шоир поэмаларида ноўрин қўлланган нақл-мақол мавжуд эмас.

Учинчи боб «И.Юсуповнинг бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳорати» деб номланади. Ёзма ва оғзаки нутқда фикрнинг

ихчамлиги, бадийлиги ва унинг таъсирчанлигини таъминлаш учун тилдаги ҳар хил бадий воситалардан кенг фойдаланилади. Сабаби ҳар қандай бадий асарнинг бадияти унинг тили орқали, ундаги тасвирий воситалар орқали кўринади¹³. И.Юсупов – тилнинг тасвирий воситаларидан тўғри ва маҳорат билан фойдаланган истеъдодли шоир. И.Юсупов қорақалпоқ адабий тилини янги тасвирий воситалар билан бойитди. Унинг асарларида шоирга хос бўлган ўхшатишлар, эпитетлар, метафора намуналари ва бошқалар кўп қўлланилган.

Учинчи бобнинг биринчи қисми «**Метафоралар**» деб номланган. И.Юсупов поэмаларида анъанавий метафоралар ҳам, муаллиф метафоралари ҳам жуда катта маҳорат билан ишлатилган. Шоир ўз поэмаларида метафораларга ўзига хос бадий-эстетик бўёқ бера олган.

И.Юсупов поэмаларида айниқса халқ тилида кенг тарқалган *қус, қасқыр, суңқар, ҳайўан, ийт, тўлки, жылан, қузғын, кийик, аққуў, бўлбил* каби сўзлар асосида пайдо бўлган анъанавий метафоралар кўп учрайди:

Мен *қус* болсам,
Сен мениң уям («Қорақалпоқ ҳақида сўз»).

Қасқыр қансырап,
Жәнеидлер жеңилип шықты («Қорақалпоқ ҳақида сўз»).

Суңқар ушып кетти өз уясына («Актрисанинг иқболи»).

Көп ўақ *жылан* шақты бизди («Актрисанинг иқболи»).

Ҳайўан екен көргенсиздин баласы («Ўртоқ муаллим»).

Ол да аздай *ийт* Оразға сатылдың («Ўртоқ муаллим»).

Оны азгырган жат-жамайдың *тўлкиси* («Ўртоқ муаллим»).

Кийик едим, таслар қақты туяқтан («Ўртоқ муаллим»).

Аққуў едим айдынында ержеткен («Ўртоқ муаллим»).

Қузғын қондырмады қызыл гүлине («Эски фонтан эртаги»).

